



Марказий Осиё маҳаллалари:
ўзаро уйғун, маданият ва
қадриятда ҳамоҳанг

3-с.

“Низони меҳр билан,
муаммони мулоқот
билан ечамиз”

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
10 ДЕКАБРЬ,
ЧОРШАНБА

Маҳалла

№99
(2321)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

МАҲАЛЛАЛАРДА ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

●●●●● КУН НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудларга айлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот билан танишди.

Танкидий руҳда ўтган йиғилишда ишга солинмаётган имкониятлар, бу борадаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда “маҳалла еттилиги” аъзоларининг иш самарадорлигини баҳолаш учун аниқ мезонлар мавжуд эмаслиги, уларнинг асосий вазифаси бўлган ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда

масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. “Еттилик” фаолияти аҳоли бандлиги ва даромадлари ортишида бевосита акс этиши шартлиги, мазкур йўналишда манзилли ва натижага йўналиштирилган ишларни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Маҳаллаларда камбағаллик ва ишсизликни қисқартиришда, аввало, уларнинг муаммолари ва “ўшиш нуқталари”ни аниқлаб,

тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди. Шунингдек, аҳоли мурожаатларини бевосита маҳалланинг ўзида ҳал этишга эътиборни кучайтириш вазифаси кўйилди.

Оғир тоифадаги маҳаллалар бўйича амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди. Ушбу ҳудудларга алоҳида эътибор қаратиб, инфратузилма, электр таъминоти, интернет тармоғи, томорқа-

дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш топширилди.

Жорий йилда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 6 фоизга тушиши кутилмоқда. Келгуси йилда бу кўрсаткични 4,5 фоизгача қисқартириш мақсад қилинган.

Бунинг учун маҳаллаларда ишларни ташкил қилишга комплекс ёндашиш, барқарор бандлик йўналишидаги хизматлар

қамровини кенгайтириш, даромад манбаларини яратиш, аҳолини касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Ҳар бир камбағал оила бўйича унинг реал имкониятлари ва хоҳиш-истакларини инобатга олган индивидуал режаларни ишлаб чиқиш муҳим экани таъкидланди.

Давоми 2-саҳифада.



●●●●● УЮШМА КЎМАГИДА

2 500 ТА МАҲАЛЛА ШИНАМ ВА КЎРКАМ БИНОГА ЭГА БЎЛДИ

Маҳалла — халқ ва давлат ўртасидаги мустаҳкам кўприк. Шунга монанд бугун йиғин идоралари аввалгидек шунчаки одамлар келиб кетадиган жой эмас, балки аҳоли муаммолари билан манзилли ишлайдиган, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашадиган, одамлар ҳар қандай муаммосига ечим топадиган манзилга айланди.

Кўриниб турибдики, эндиликда бу манзилда нафақат “еттилик” иш самарадорлигини оширадиган, балки одамлар билан мулоқотни йўлга қўядиган, уларга турли хизматларни кўрсатиш имконини берадиган муносиб шароитлар яратишга зарурат бор. Шу боис сўнгги йилларда замонавий, барча қўлайликларга эга маҳалла биноларини қуришга эътибор қаратилляпти.

Айни пайтда мамлакатимизда 8 992 та маҳалла фаолият юритяпти. Йил бошида уларнинг сони 9 452 та эди. Бошқарув тизимини оптималлаштириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 500 тадан кам хонадони мавжуд 460 та маҳалла ихчамлаштирилди. Яна 786 та маҳаллани 2026 йил 1 мартга қадар қисқартириш бўйича режа ишлаб чиқилган. Ихчамлаштирилган маҳаллаларнинг мавжуд моддий-техника воситалари ҳамда бинолари

хатловдан ўтказилади. Уларда аҳоли учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш (кичик бозорчалар, савдо дўконлари, спорт майдони (фитнес зали), нурунийлар чойхонаси, ёшлар маркази, кутубхона, маданият маркази), ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратилиб, камбағал оилаларнинг ишсиз аъзоларини банд қилишга эътибор қаратилади.

Давоми 2-саҳифада.

Давоми 2-саҳифада.



БУГУНГИ
СОНДА:

“Камбағаллик домига тортадиган иллатларга барҳам бердик, ўнгландик”

Камбағаллик — ижтимоий ҳолат, иллат эмас, чунки унинг сабаблари кўп. Ундан чиқиш учун инсоннинг ўзида хоҳиш бўлиши, ҳаёт тарзи ва дунёқарашини ўзгартириши зарур. Маҳаллада мана шу мезонлар асосида иш ташкил этилган.

5-с.

Янги ҳаёт нафаси кириб бормаган ҳудуд ва хонадон қолмаган

Ўзгаришлар фақат туман марказида эмас, чекка маҳаллаларда ҳам бўй кўрсатмоқда. Масалан, н 36 та маҳалла аҳолиси тоза ичимлик сув билан таъминланди. Шунингдек, аҳолининг газ ва электр таъминоти яхшиланди.

6-с.

“Яқинларим энг яхши одамлар, лекин ҳеч ким мендан узоқмас...”

“Ҳаётда сиз учун қадрли бўлган инсонлар қанча? Улар билан суҳбатлашиб, бирга вақт ўтказиш нақадар мароқли. Маҳалла тизимига келгунимча, менинг ёнимда фақат оила аъзоларим ва ҳамкасбларим бор эди, холос”.

7-с.

Тушқунликдан тезроқ кутулмоқчимисиз, у ҳолда тош кўтаринг

“Маҳалла еттилиги”, айниқса, ёшлар етакчиси спорт мураббийлари ва оилавий шифокорлар иштирокида умумтаълим мактабларида, очик майдонларда кўргазмалар тарғибот тадбирларини мунтазам ташкил этиб боришлари лозим.

8-с.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ автомобиль йўллари соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар юзасидан тақдимот билан танишди.



Давлатимиз раҳбарига қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва АГРАР СОҲАНИ СУБСИДИЯЛАШ режалари юзасидан тақдимот қилинди.



Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари кунги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлади.

МАНЗИЛ

КУН НАФАСИ

АНИҚ РЕЖАЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРГА, ХАЙРЛИ АМАЛЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТИР



Фуркат ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Йил бошидан буён вилоятдаги 883 та маҳалланинг 300 дан ортиғида бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. Қолганларида вазият барқарор сақланган бўлса-да, баъзи туманларда жиноятлар сонининг ошиши кузатилиб, бу ҳудудларда профилактика ишлари кучайтирилди. Оилалардаги ажралишлар масаласида ҳам шунга ўхшаш манзара: 700 дан ортиқ маҳаллада ажралиш ҳолатлари қайд этилган, айниқса, айрим туманларда бу кўрсаткич юқорилиги билан эътиборни тортади.

Маҳалла биноларини янгилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Режага кўра, қурилиши белгиланган 89 та бинодан 33 таси тўлиқ фойдаланишга топширилди, 28 тасида қурилиш ишлари якуний босқичга етиб келган. Бир неча маҳаллаларда ҳали ишлар бошланмаган бўлса-да, бу борадаги режалар аниқ ва амалий бўлиб, қадамба-қадам ниҳоясига етказилади.

Моддий-техника базани мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ташкил этилган Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасида йил бошидан буён 50 миллиард сўмдан ортиқ маблағ шакллантирилди. Унинг 29 миллиард сўмдан зиёди йўллар, ёритиш тизимлари, ичимлик сув ва газ тармоқларини яхшилаш, спорт ва маданият масканлари, маҳалла биноларини қуриш ва таъмирлаш, шунингдек, эҳтиёжманд оилаларга кўмак бериш ишларига йўналтирилди.

Қўриниб турибдики, маҳалла институтини ривожлантириш, уни халққа яқин, замонавий ва самарали тизимга айлантириш борасидаги ишлар бутун вилоят бўйлаб изчил давом этмоқда. Бу жараёнда ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро эътиборимиз марказидадир.



МАҲАЛЛАЛАРДА ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Лойиҳавий ёндашув доирасида “Бандлик органлари – иш берувчилар ҳамкори”, “Тенг имкон – инклюзив бандлик”, “Барқарор келажак сари”, “20 та маҳаллий бренд”, “Бир контур – бир маҳсулот”, “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш”, “Ижара ер ва томорқада сув таъминотини яхшилаш”, “Эски боғларни янгилаш”,

“1 минг гектар мевали боғ”, “Экспортчи кооперативлар” каби дастурлар билан 1 миллион нафар камбағал аҳолини қамраб олиш режалаштирилган.

Камбағаллик ва ишсизликни камайтиришда маҳаллаларда кичик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, чегара ва анклав ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, туну кун ишлайдиган кўчалар, туристик маҳаллалар, микросаноат марказларини ташкил этиш, соҳил ва йўл бўйи инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари тақдирот қилинди.

Бандлик дастурининг 2025 йилдаги ижроси ва

2026 йилги дастурни шакллантириш, норасмий бандликни қисқартириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Президентимиз мутасаддиларга маҳаллалардаги масалаларни манзилли ҳал қилиш, аҳоли эҳтиёжлари асосида амалий ишлар самарадорлигини ошириш, бандлик ва камбағалликни қисқартириш борасидаги вазифалар ижросини юксак масъулият билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

ЖАРАЁН

БУ ДАРГОҲДА ОДАМЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНАДИ, ОРЗУЛАРИ УШАЛАДИ



Адҳам ЗИЁДДИНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи.

Бугун маҳалла Президентимиз ташаббуси билан чинакам ўзини ўзи бошқариш органи, ҳудуднинг ҳақиқий эгасига айланди.

Бўйишларнинг энг ёрқин намунаси — маҳаллаларга ажратилаётган молиявий кўмак ва солиқ тушумларининг муайян қисми йиғинларнинг ўзида қолишидир. Ана шу маблағлар ҳисобига ҳудудларнинг инфратузилмаси замонавий тарзда янгиланмоқда, камбағал оилаларга кўмак берилляпти.

Айни йўналишдаги ишларни Фарғона вилояти мисолида олсак, мавжуд 1 015 та маҳалланинг ҳисоб-рақамида 52,6 миллиард сўм солиқ тушумларидан жамғарилган маблағ мавжуд бўлиб, ўтган давр мобайнида 32,6 миллиард сўми ҳар бир йиғин эҳтиёжини инobatга олган ҳолда, хайрли ишларга сарфланди.

Мисол учун, бугунги кунда 91 та маҳалла биналарига қуёш панели ўрнатиш бўйича шартномалар тузилган бўлиб, ҳозиргача 44 та йиғинда ишлар бажарилди. Худди шундай, маҳаллаларда 87 та кам таъминланган оилалар яшаш хонадонларига қуёш панели ўрнатилди. Бундан ташқари, 31 та маҳалла биналари янгидан қуриб фойдаланишга топширилди, 188 таси жорий, 24 таси капитал таъмирланди ва 18 та маҳалла биноси реконструкция қилинди.

Яна бир жиҳат — кам таъминланган оилалар билан ишлаш борасида тизимли саъй-ҳаракатлар йўлга қўйилган. Хусусан, умумхалқ хайрия ҳашари доирасида 949 та шундай тоифадаги оилаларнинг яшаш хонадонини таъмирдан чиқарилди. 7 мингдан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга моддий ёрдам кўрсатилди.



Маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш — асосий вазифамиз. Бу борада 57 та кўчада қулай шароитлар яратилиб, “Саломатлик йўлаклари” барпо этилди. Воркаут, стритбол, мини футбол майдончалари қурилиб, маҳаллалар аҳлининг спорт билан шугулланишига шароит яратилди. Шунингдек, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида маҳалла ҳудудларида 585 мингта манзарали дарахтлар экилди.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича 22 минг 837 километр ички йўллар асфальтланди, 915 та электр тармоқлари янгиланди, 16 мингта яқин бетон таянчлар ўрнатилди, 8 075 та бетон ариқлар барпо этилди.

Энг муҳим ўзгариш — одамларнинг маҳаллага ишончи ортди, яъни энди маҳаллага муаммоси билан борган ҳар бир фуқаро қуруқ қўл билан қайтмаяпти. Худудларда “маҳалла еттилиги”нинг коллегиал қарори билан аҳолига амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Одамлар билади, бу даргоҳда энди муаммоларга ечим бор.

Йил якунига қадар “Маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан йиғинлар инфратузилмасини яхшилаш, пиёдалар йўлакчалари қуриш, ёритиш тизими, электр энергияси, табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқава сув тизимини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, уларнинг тураржойларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

2 500 ТА МАҲАЛЛА ШИНАМ ВА КЎРКАМ БИНОГА ЭГА БЎЛДИ

Шахбоз РАҲИМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Марказий аппарати масъул ходими.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш натижасида муаммоларга йиғиннинг ўзида ечим топиляпти. “Маҳалла бюджети” тизими орқали йиғинлар ҳисоб-рақамига 522,4 миллиард сўм маблағ туширилиб, ҳар бир маҳаллада “еттилик”нинг коллегиал қарори асосида ушбу маблағлар мақсадли ва манзилли сарфланди.

Хусусан, маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланди. Жараёнда 1 626 та маҳаллада ички йўллар таъмирланди, 235 минг донна энергия тежамкор ёритиш чироклари, 1 016 та трансформатор ўрнатилди, 2 876 та маҳаллада электр энергияси тармоғи янгиланди, 1 384 та маҳаллада ичимлик сув тармоғи таъмирланди, 6 489 та спорт майдончаси барпо этилди. Шунингдек, аҳолини соғлом турмуш

тарзига жалб қилиш бўйича 624 километр “Саломатлик йўлаги” барпо этилди.

Маҳалланинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Жумладан, 284 та маҳалла биноси қурилди, 2 205 таси таъмирланди, 4 233 тасига мебель жиҳозлари олиб берилди. 3 441 та йиғинга қуёш панели ўрнатилди, 281 та нуронийлар чойхонаси таъмирланди, 1 608 та маҳаллада кутубхона фаолияти йўлга қўйилди.

Энг муҳими, жойларда хусусий шериклик асосида 1 мингга яқин замонавий маҳалла биналари барпо этилди. 2026 йилдан бошлаб, маҳалла биналарини замонавий сервис объектига айлантириш учун тадбиркорларга қўшимча енгилликлар берилди. Хусусан, шаҳарларда тадбиркорлар қурган, пастки қаватида “маҳалла еттилиги” жойлашадиган биналар 3 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади. Қишлоқ жойларда бу имтиёзлар 7 йил бўлади. Бино эгаси бўлган тадбиркорлар ушбу муддат давомида солиқни имтиёзли тўлайди.

Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш бўйича 4,7 миллионга хонадон хатловдан ўтказилиб, 362 минг гектар



майдонга экинлар экилди. Сув таъминоти оғир бўлган 1,9 мингга яқин маҳаллада кудуклар қазилди. Томорқаларда етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича 8 272 та маҳаллада режа қилиниб, экспорт 465,0 миллион долларга етказилди. Камбағал оилалар томорқасига лимон, кўча бўйларидagi хонадонларга узум қўчати экилди. Камбағал оилаларни қўлаб-қувват-

лаш доирасида 2 562 та оилага моддий ёрдам берилди, 3 450 тасининг уй-жойи таъмирланди, 4 214 та хонадонга қуёш панели ўрнатилди, 38 минг нафар фарзандлари театрларга олиб борилди.

“Обод хонадон” ва “Обод кўча” мезонлари асосида 3 миллион 498 мингта хонадон ўз имконияти билан, 248 минг 317 та ҳимояга муҳтож оилаларнинг хонадонлари ҳомийлик ҳисобидан ва

119 минг 901 та кўп қаватли уй-жойлар таъмирланди. 140 минг 319 та кўча ободонлаштирилди, 96,5 минг километр ариқ ва лоток тозаланди.

Йил якунига қадар ҳам маҳаллаларда хайрли амаллар ҳаётга татбиқ этиб борилди. Жумладан, маҳаллани ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантириш бўйича “еттилик” рейтингини юритилади. “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 13 миллион 400 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт қўчатлари экилади. 619 та йиғинда “Маҳалла кутубхонаси” ташкил этилади. Хизмат биносига эга бўлмаган ҳамда 1-3 хонали биналарда фаолият юритаётган йиғинлар учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маҳалла марказлари қурилиб, 17 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Умуман олганда, юқоридаги ҳолатлар — янги маҳалла биналарининг фойдаланишга топширилиши, мавжудларнинг замон талабларига мослаштирилиши, уларга қуёш панеллари ўрнатилиб, моддий-техник базани яхшилашни ходимларнинг иш самарадорлигини оширмоқда. Қолаверса, аҳоли муносабатларини ўз вақтида қабул қилиб, ҳал этиш, тегишли шахсиятларга йўналтириш имконини ҳам бериляпти.



“ДАВЛАТ
ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАСИ
ТЎҒРИСИДА”ги
қонун қабул қилинди.



Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги
негизда БОШҚАРУВ
САМАРАДОРЛИГИ
АГЕНТЛИГИ ташкил
этилди.



“Янги Ўзбекистон
қиёфасидаги туман
(шаҳар)” мақомидаги
33 та туман (шаҳар)
ҳокимликларида
НАТИЖАГА АСОСЛАНГАН
БОШҚАРУВ ТИЗИМИ
жорий этилади.

Марказий Осиё маҳаллалари: ўзаро уйғун, маданият ва қадриятда ҳамоҳанг

Пойтахтимизда жорий йилнинг 10-12 декабрь кунлари
“Марказий Осиёда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш
органларининг биринчи форуми” бўлиб ўтади.

Форум “Иқтисодий
ривожланиш йўлида
самарали бошқарув” дастури дои-
расида Буюк Британия молиявий
кумағида Марказий Осиё давлат-
лари иштирокида маҳаллий ўзини
ўзи бошқариш органлари фаоли-
тига бағишланади. Унинг доира-
сида бир йўла икки йўналишда
шўба муҳокамалари ўтказилади.
“Марказий Осиёда маҳаллий
ўзини ўзи бошқаришнинг замона-
вий тенденциялари” мавзусидаги
биринчи шўбада маҳаллий ўзини
ўзи бошқариш моделини маҳал-
лийлаштириш ва қадимий шакл-
ларни замонавий жамият, давлат

ва рақамли муҳитга мослашти-
ришда Ўзбекистон тажрибасига
эътибор қаратилади. Қозоғистон,
Қирғизистон, Тожикистонда
маҳаллий ўзини ўзи бошқариш
ривожланишининг тенденциялари
билан танишилади.
Иккинчи шўба — “Муни-
сипалитетлар уюшмаларининг
мамлакатлар ривожланиши ва
минтақавий интеграциядаги
роли” мавзусидаги муҳокамалар-
да уюшмаларнинг Шимолий ва
Шарқий Европада минтақавий
интеграция омили сифатидаги
ўрни, Қирғизистоннинг Маҳаллий
ўзини ўзи бошқариш органлари
иттифоқининг фаолиятига назар
ташланади.
“Административ-худудий



ислохот, минтақавий оптималлаштириш ва молиявий десентрализация” мавзусидаги учинчи шўба
йиғилишларида Буюк Британияда конституцион ислохотлар ва уларнинг маҳаллий ривожланишга
таъсири кўриб чиқилади. Ўзбекистон, Латвия, Шарқий Европа давлатлари тажрибалари муҳокамалар
марказида бўлади.

Тўртинчи шўба — “Инвестиция
иқлими масалалари: инвестиция-
ларни жалб қилиш ва маҳаллий
ўзини ўзи бошқариш орқали
камбағалликни қисқартириш”
мавзусидаги чиқишларда Буюк
Британияда маҳаллий даражада
инвесторларни жалб қилиш учун
тартиб-қоидаларни соддалаштириш,
камбағалликни қисқартириш бўйича
халқаро тажрибалар, бу борада ўзи-
ни ўзи бошқариш, давлат ва бошқа
иштирокчиларнинг роли кўрсатиб
ўтилади.
Ҳар бир шўба муҳокамалари
яқинида тавсиялар ишлаб чиқилади.
Шунингдек, Марказий Осиё маҳал-
лий ўзини ўзи бошқариш ва маҳал-
лий ривожланиш Кенгашини ташкил
этиш ташаббусининг расмий тақди-
моти ўтказилади. Форум доирасида
иштирокчилар пойтахтимиздаги
Ислом цивилизацияси марказига
ташриф буюради. Шайхонтохур
туманидаги “Гулбозор” маҳалласига
амалий саёҳат қилишади.

САМАРАДОРЛИК

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИГА АЙЛАНАЁТГАН МАҲАЛЛАЛАР ТАЛАЙГИНА

Наманган вилоятида маҳалла тизимини замон
табларига мос равишда ривожлантириш, аҳолига
қулайлик яратиш ва инфратузилмани яхшилаш бўйича
изчил ишлар давом этмоқда. Бу жараёнда аҳолининг ўзи
ташаббус кўрсатадиган “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси
муҳим ўрин тутмоқда.



Аҳаджон МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Наманган вилояти
бошқармаси бошлиғи.

2025 йилда вилоятдаги
754 та маҳалладан 126 таси
мазкур лойиҳанинг иккинчи
мавсумида икки йўлларни
таъмирлаш йўналишида ғолиб
бўлди. Ушбу маҳаллалар 14 та
туман ва шаҳар ҳудудида
жойлашган бўлиб, уларни
қўллаб-қувватлаш учун жами
185,7 миллиард сўм маблағ
ажратилди. Натижада 337 минг
километрдан ортиқ икки йўллар
асфальтланиб, пиёдалар йўлак-
чалари ва йўл ўтказгичлар
таъмирланди. Айниқса, Наман-
ган шаҳри, Давлатобод, Поп,
Учқўрғон ва Чуст туманларидаги
маҳаллаларда йўл инфратузил-
масида сезиларли ўзгаришлар
кузатилди. Бу аҳолининг кўнлик
ҳаракатини енгиллаштириб,
транспорт оқимини хавфсиз ва
тартибли қилишга хизмат қилди.
Вилоятда энергия тежамкор
инфратузилмани шаклланти-
риш бўйича ҳам фаол ишлар
олиб борилмоқда. Йил бошида
138 та маҳалла биносига қуёш
панеллари ўрнатиш режалашти-
рилган бўлса, бугунги кунгача
маҳаллаларнинг ўз маблағла-
ри ҳисобидан 42 та бинода
ушбу тизим жорий қилинди.
Шунингдек, кам таъминланган
оилалардан 139 тасига мўлжал-
ланган қуёш энергияси дастури
доирасида хонадонларга қурил-
малар ўрнатиляпти. Бу ташаббус
экологик барқарорликни таъ-
минлаш билан бирга, йилгилар-
нинг энергетик мустақиллигини
ҳам мустаҳкамляпти.

Маҳалла бинолари бўйича
сезиларли ўзгаришлар
кўрилди. Хизмат биносига эга
бўлмаган 26 та маҳаллага
янги бино қуриб берилди.
Бу биноларнинг бир қисми
давлат-хусусий шериклик,
бир қисми ҳомийлик ва
ҳашар йўли билан, яна
бири “Ташаббусли бюджет”
лойиҳаси доирасида,
қолганлари бошқа манбалар
ҳисобидан барпо этилди.

Бундан ташқари, талабга жавоб
бермаган 53 та маҳалла биносига
жорий таъмир, 8 та бинода рекон-
струкция ишлари амалга оширилди.
Натижада маҳалла фаоллари ва аҳо-
лига хизмат кўрсатиш сифати янада
яхшиланди.
“Яшил макон” умуммиллий
лойиҳаси доирасида вилоятда
2025 йилги куз мавсумида 754 та
маҳаллада 1 миллион 84 мингдан
ортиқ кўчат экиш режалаштирил-
ган. Кўчатларнинг катта қисми, яъни
режадагиларнинг тўртдан уч қисми ўз
вақтида экилди. Бу жараёнда аҳо-
ли, нуронийлар, ҳомийлар ва “маҳал-
ла еттилиги” фаоллик кўрсатди.
Умуман олганда, бугун Наманган-
да маҳалла, бу — оддий маъмурий
бўғин эмас, балки фуқароларнинг
ҳамжиҳатлиги, фаоллиги ва тараққи-
ётга бўлган интилишининг ёрқин
тимсолига айланиб бормоқда.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

НУҚТАИ НАЗАР

Ҳамжиҳатлик ҳар доим ютуқларнинг пойдевори бўляпти

“Маҳалла еттилиги”нинг ҳар бирига алоҳида
вазифалар белгилаб берилгани ва шу асосда
иш ташкил қилиб борилаётгани аҳолини янада
мамнун қилиб, қатор муаммолар маҳалланинг
ўзида ҳал этилишига замин яратмоқда.



Ғофир АЛИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Навоий вилояти
бошқармаси бошлиғи.

Маҳалла раислари
бошчилигида янги
ташаббусларга қўл урилаётган
ишчиларнинг қиёфасини
ўзгариштириш, одамлар кутаёт-
ган муаммоларни ҳал этишда
муҳим аҳамият касб этаётди.
Навбахор туманида-
ги “Янги ҳаёт” маҳалласи
ташкил этилгандан буён ўз

биносига эга эмас эди. Кўп
йиллар ҳудуддаги мактаб-
нинг 1 та хонасида “еттилик”
аъзолари иш олиб борди.
Табииyki, бу ҳолат ходим-
ларнинг иш сифатига таъсир
қилса, фуқароларнинг ўз
дарди, муаммосини айтишига
ҳалақит берар эди.
Жорий йилда фуқаролар
йиғини раиси сайловида
номзоди қўйилган Сунна-
тилло Ражабов ўз дастурига
маҳаллада янги бино қуриш-
ни киритди. Албатта, бу осон
иш эмас. Натижага эришиш
учун маҳаллодошларнинг
ҳамжиҳатлиги ҳам зарур.
Йиғин раислигига сайлан-
ган С.Ражабов тарғиботни
кучайтирди. “Еттилик” ва кўча
оқсоқоллари уйма-уй юриб,
тарғибот қилди. Бугун ана шу
меҳнат ўз самарасини кўрса-
тиб, маҳалла замонавий, янги,
шинам бинога эга бўлди.
Ҳамжиҳатлик тантанасидан
маҳалла аҳли ҳам шод.



Бундай мисоллар вилоятда жуда кўп. Нур-
ота туманидаги “Қадоқ” маҳалласи шу даврга
қадар 11 мартаба “Ташаббусли бюджет”
лойиҳасида ғолиб бўлган. Маҳалла гарчанд
туманнинг тоғли, олис ҳудудида жойлашган
бўлса-да, ёшлар учун яшил қопламали стади-
он, болалар ўйингоҳи билан биргаликда йўл,
электр энергияси билан боғлиқ кўп йиллик
муаммолар ҳал этилди. Маҳалла раиси Нодир
Раҳимов атрофдаги маҳаллаларга ўрناк раис-
лардан бири.
Йиғинда тунги ёритиш чироқлари билан
боғлиқ муаммолар бор эди. Қолаверса, маҳал-
ланинг тоғли кўчаларида баъзан электр энер-
гиясида узилишлар кузатиладди. Муаммога
ечим қидирган маҳалла раиси Олий Мажлис
хузуридаги жамоат фондидан 150,0 миллион
сўм давлат гранти ютиб олиб, ушбу масалалар-
ни ҳал этди.

Вилоятда “Ташаб-
бусли бюджет”нинг
биринчи мавсумида
106 та тақлиф ғолиб
деб топилиб, уларга
128 миллиард
901 миллион сўм
маблағ сарфланди.
Бу маблағлар эвази-
га амалга оширилган
ишлар одамларнинг
эртанги кунга бўлган
ишончини янада
мустаҳкамляпти.

МАНЗАРА

“Яшил макон” эзгу ташаббус ва амалий ҳаракатга айланди

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан изчил равишда
давом этаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси
бугунги кунда ҳар бир ҳудудда кенг жамоатчиликни
қамраб олган эзгу ҳаракатга айланди.



Одилбек ОРТИҚОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Хоразм вилояти бошқармаси
бошлиғи.

2025 йилнинг куз мавсу-
мида Хоразм вилояти
маҳаллаларида бўй ўналишда
кенг қўламли ишлар олиб
борилди. Вилоятдаги 509 та
маҳаллада “еттилик” бошчи-
лигида аҳоли хонадонларига
кўчат экиш бўйича дастлаб
умумий режада 1,5 миллион
дона кўчат ўтказиш мўлжал-
ланган бўлса, амалда экилган
кўчатлар сони 1 миллион
594 мингдан ошди. Бу эса
режанинг тўлиқ ва юқори суръ-
атда бажарилганини ҳамда
экологик барқарорликка қўши-
лаётган катта ҳиссанинг амал-
даги ифодасини кўрсатади.

Кўчат экиш ишлари на-
фақат маҳалла марказлари,
балки кўчалар, уй томорқа-
лари, шунингдек, янги барпо
этилаётган маҳалла боғла-
ри ҳудудларида ҳам кенг
миқёсда ташкил этилди.
Аҳоли бевосита қўл-
лаб-қувватлаган йўналиш-
лардан яна бири — томор-
қачилик ва хонадонларда
кўкаламзорлаштириш.
Бунинг натижасида ҳозир-
да юзлаб озода ховлилар,
яшил масканлар пайдо бўл-
ди. Шу билан бирга, лойиҳа
доирасида камбағал ва
эктиёжманд оилалар хона-
донларига кўчатлар етказиб
берилди. 26 мингдан зиёд
хонадонга 528 мингдан
ортиқ кўчат экилиши бел-
гиланган бўлса, амалда
554 мингдан зиёд кўчат
ўтказилди. Бу нафақат кўка-
ламзорлаштириш, балки
ижтимоий ҳимоянинг амал-
лий кўриниши ҳам бўлди.

Маҳалла боғларини
барпо этиш борасида вило-
ятда тизимли ишлар амалга
оширилди. Ҳар бир маҳал-
лада яшил боғлар болалар
учун хавфсиз ўйин майдони,
ёшлар учун спорт ҳудуди
сифатида ҳам жозибадор
аҳамият касб этаётди. Бу
борада режалаштирилган
кўчат экиш ишлари тўлиқ
бажарилди.
Умуман олганда, лойи-
хани амалга оширишда
“маҳалла еттилиги”, кўчабо-
шилар, “Маҳалла сервис ком-
паниялари”, аҳоли, ҳомийлар,
тадбиркорлар, ижтимоий
фаоллар ва кўнгилчилар
ўртасидаги ҳамжиҳатлик
муҳим ўрин тутди. Ажра-
тилган маблағлар ўз вақти-
да ўзлаштирилиши, улар
самарали йўналтирилиши ва
жамоатчилик иштирокида
назорат қилиб борилиши
ишларнинг сифатли бажари-
лишига замин яратди.



Ўзбекистон
автобус ва
микроавтобус
импортини
ДЕЯРЛИ
УЧ БАРОБАРГА
оширди.



“ҚАМБАР ОТА-1” ГЭС
қурилишини
Қирғизистон (34 фоиз),
Ўзбекистон ва
Қозоғистон (33 фоиздан)
молиялаштиради.



Нотариусликка
талабгорлар учун
МАЖБУРИЙ
ЎҚУВ КУРСЛАРИ
тартиби
тасдиқланди.

4

№99

| 2025 йил 10 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla

ТОШКЕНТ
ШАҲРИ
ЯККАСАРОЙ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Низони меҳр билан, муаммони мулоқот билан ечамиз”



Бугун ҳар бир эзгу ишнинг марказида, аввало, маҳалла туради. Сўнгги йилларда маҳалла тизимини кучайтириш, уни ҳақиқий халқ бошқаруви даражасига олиб чиқиш бўйича катта ислохотлар амалга оширилди. Одамларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, меҳр-оқибати ва бир-бирига суянчи билан бу марраларни забт этяпмиз.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla”дан
мадад олган куним
мароқли ўтади”

Ҳакимжон
УМИРОВ,
Яккасарой
туманидаги
“Қушбеги”
маҳалласи
раиси:

— Мен раис сифатида бир нарсани жуда яхши англаб олганман: маҳалла, бу — оддий иш жойи эмас, бу — ҳаётнинг ўзи. Ҳар кунимиз одамлар муаммоси, уларнинг орзулари, интилишлари билан ўтади. Шунинг учун ҳар биримиз ўз устимизда тўхтовсиз ишламасақ, аҳолига ҳақиқий ёрдам беришимиз қийин.

Ростини айтсам, иш жараёнида шундай вазиятлар бўладики, қайси қарор тўғри, қайси ёндашув самарали эканини ўйлаб қоламан. Ана шундай пайтларда “Mahalla” газетаси ҳақиқий маслаҳатчи каби ёрдамга келади. Ҳар бир сониде бошқа маҳаллалар тажрибаси, фуқаролар билан ишлашнинг янги усуллари, ҳаётини мисоллар берилади. Ўқийман-да, ўйлайман: “Мана, бизнинг маҳаллага ҳам шундай ёндашув керак экан”.

Яна бир нарсани тан олишим керак: сеvimли нашримни ўқиш менга оддий, лекин жуда фойдали одатга айланган. Иш столимда газета турган бўлса, кўнглим хотиржам. Чунки ҳар бир сони орқали маҳалламиздаги фаолиятга янги қараш, янги руҳ, янги фикр кириб келади. Газетани ўқиётганимда ўзимга савол бераман: “Мен бу масалага қай даражада эътибор берапман? Одамларга яна нима таклиф қила оламан?” Ана шу саволлар менинг раҳбар сифатида ривожланишимга, ишимга янги ёндашувлар қўйишимга хизмат қилади.

Келгуси йилда ҳам бу одатимдан воз кечмайман. 2026 йил учун обуна бўлдим. Чунки ҳар бир маҳалла раиси, ҳар бир фаол ходим шундай манбалардан билим ва куч олиши шарт. Одамларга хизмат қилиб юрган инсоннинг билими, дунёқараши доим бойиб бориши лозим.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шахноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

Сарвар МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Яккасарой тумани бўлим бошлиғи.

Бугун Яккасарой маҳаллаларида ёшу қари ўзгаришни, жонланишни ҳис қилмоқда. Чунки бизнинг барча ташаббусларимизнинг марказида одамлар туради. Хонадони бузилган, йўлаги лой бўлган, кўчаси қоронғу, дарахти қуриб қолган, муаммоси ечилмай юрган одамнинг дарду ташвишини эшитмасдан туриб, ҳеч қандай ислохотни амалга ошириб бўлмайди. Шу боис барча ишларни “одамлар учун ва одамлар билан бирга” деган тамойил асосида ташкил этяпмиз.

Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларга келиб тушган 3 мингдан ортиқ муаммо юзасидан “маҳалла еттилиги” амалда ягона жамоа бўлиб ишлади. Ўз вақтида қўрилган чоралар натижасида муаммоларнинг деярли барчаси ҳал этилди. Кимнингдир уйининг томи ёпиб берилди, яна кимнингдир дарди тингланиб, ажралиш ёқасидан қайтарилди. Мана шу қувончлар — бизнинг энг катта ютуғимиз.

Маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари жадал кетмоқда. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” деганимиз шунчаки шиор эмас. 130 дан зиёд хонадон таъмирланиб, 20 та кўчада ободонлаштириш ишлари бажарилди. Ҳашар пайти юзлаб одамлар бир-бирига елкадош бўлди. Одамлар йиғилган жойда файз бўлади. Шунинг учун “файзли маҳалла” деган ибора ҳам бекорга пайдо бўлмаган.

Кўнглимга энг яқин бўлган тадбирлардан бири — “Уч авлод учрашуви”. Нурунийларнинг дуоси, ўрта авлод вакиллари ибрати, ёшларнинг дадиллиги жам бўлган бу учрашувлар ҳар сафар бизга янги руҳ беради. Баъзан нуруний отахоннинг бир оғиз гапидан бир нафар ёшнинг бутун ҳаёти ўзгариб кетаётганини кўрамиз. Шунинг учун мен бу тадбирларни шунчаки “учрашув” эмас, балки “ҳаёт мактаби” деб атайман.

Маҳалла, аввало, тинчлик ўчоғи. Низо бўлса, меҳр билан, муаммо бўлса, мулоқот билан ечамиз. Нурунийларимиз бошчилигида кўлаб оилалар қайта ярашади, фарзандлар тарбияси тикланади, уйга файз қайтади. Энг муҳими, одамлар ўз маҳалласидан, бир-биридан куч олади.

Бу йил кўчат экиш ишлари ҳам қўлами жиҳатдан аввалгидан кенгрок ўтмоқда. Ҳар экилган ниҳол эртанги авлодга қолдирилган энг катта ҳада, энг яхши дуо, деб биламан. Маҳаллаларда спорт, маънавият, китобхонлик бўйича ўтказилган тадбирлар эса ёшларнинг янада фаол, соғлом ва билимли бўлишига хизмат қилмоқда. Одамларни бир жойга йиғадиган, бир мақсадга йўналтирадиган ҳар бир тадбирни биз ички бирлиكنинг мустаҳкамланиши, деб ҳисоблаймиз.

Битта ҳақиқат бор: маҳаллада инсоннинг муаммосига бефарқ қарамайдиган жамоа бўлса, ўша маҳалла ҳеч қачон орқага кетмайди. Шунинг учун биз “маҳалла еттилиги” фаолиятини янада мустаҳкамлаб, уларнинг ҳамжиҳатлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Уларнинг ҳисобот бериш тизими, халқ билан очик мулоқоти, бир-бирига суянч бўла олиши маҳалла ривожининг асосидир.

Маҳалламиз ҳаёти ҳар кун янгиликлар билан бойиб бормоқда. Бу ерда яшаш нафақат бир манзилда биргаликда истиқомат қилиш, балки ҳар бир аҳоли вакили учун қўлайлик, фаровонлик ва ишонч манбаига айланган. Маҳалла раиси сифатида ҳар бир кўчага, ҳар бир масканга кириб чиққанимда, аҳолининг юзидаги табассум, болаларнинг қувончи мени энг кўп руҳлантиради.

Тўлқин БЕКМУҲАММЕДОВ,
Яккасарой туманидаги
“Беларик” маҳалласи раиси.

Маҳалламизнинг гўзаллиги шунчаки бино ва кўчаларда эмас, улардаги моҳиятда ҳамдир. Мисол учун, Аския кўчаси ҳудудидаги болалар майдончалари янгиланмоқда, кўп қаватли уйлар фасад миллийлик руҳида таъмирланяпти. Шахсан ишчилар билан бирга, ҳар бир жиҳатда миллий гўзалликни сақлашга ҳаракат қиляпмиз.

Ёшларнинг ютуқлари қалбимни янада қувонтиради. Турли спорт йўналишларида юқори натижаларга эришадиган маҳалла йигит-қизларини кўриб ғурурланаман. Хусусан, 14 ёшли Жаҳонгир Саъдуллаевнинг Италияда кикбоксинг бўйича Жаҳон кубогида олтин медал соҳиби бўлгани — бутун маҳалламиз учун фахрли воқеага айланди. Шу каби ютуқлар ёшларимизни руҳлантиради ва уларни янада мақсад сари етаклайди.

“Эзгу мақсадлар билан ҳар кунимиз мазмунли”



Мен ҳар доим айтаман: маҳалламиз тараққий этса, ҳар бир уйга фаровонлик қиради. Болаларимиз билимли, аёлларимиз банд бўлса, оила мустаҳкам, маҳалла бирлашса, ҳаётимиз чиройли бўлади.

Биз ҳар маҳалламиз: бири қувонса, ҳамма қувонади, бири қийналса, қолганлар ёрдам қўлини чўзади, бири ютққча эришса, барча бирдек фахрланади. Мана шундай эзгу мақсадлар билан ҳар кунимизни мазмунли ўтказаяпмиз.

ҲАММА ВАҚТ ВА ҲАР ЖОЙДА АЁЛ БОШИ БАЛАНД ЮРСИН...

Маҳалламиз ҳаёти ҳар кун ўзгариш ва янгиликлар билан давом этмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар маҳалла тараққиёти ва аҳолининг фаровонлиги учун муҳим туртки бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Феруза ОРИПОВА,
Яккасарой туманидаги
Абдулла Қаҳҳор номидаги
маҳалла раиси.

Жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тўй-маросимларни ихчам шаклда, оила имкониятига яраша, кўз-кўзсиз ва исрофсиз ўтказишга қаратилган қарор имзоланди. Яқинда маҳалла фаоллари, оқсоқоллар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида бу қарорнинг оилалар учун қанчалик муҳим эканини муҳокама қилдик.

Ахир, ортиқча сарф-ҳаражат кимга керак? Ундан кўра, асосий маблағни тўйдан кейинги кундалик эhtiёжлар, фарзанд таълимини таъминлаш ёки оила ривожига сарфлаш анча оқилона эмасми? Шулар ҳақида чин дилдан суҳбатлашиб, бунинг фойдали ва оқилона йўлини фуқароларга тушунтирдик.

Маҳалламиз аҳли ортиқча сарф-ҳаражатнинг маъносизлигини тўла тушуниб етди ва бу йўналишдаги ишларимизни ҳар бир оила қўллаб-қувватляпти.

Оилалар, аёллар билан ишлаш борасидаги ташаббусларимиз кўп. Хусусан, бу ерда Маҳаллаларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш маркази фаолияти йўлга қўйилган. Бу марказни оддий хона, деб бўлмайди. У аёлларимиз учун умид эшиги, янги ҳаёт бошланадиган маскан.

Марказда хотин-қизлар учун нафақат тикувчилик, каштадўзлик, қандалатчилик ва миллий тақинчоқ ясаш каби хунармандчилик касблари ўргатилмоқда, балки стол тенниси ва бошқа спорт турлари учун ҳам шароит яратилган. Бу уларга нафақат касбий билим ва маҳоратини ошириш, балки соғлом турмуш тарзини ривожлантириш имконини беради.

Энг қувонарлиси, марказда маҳалла психологлар аёлларни бепул тинглайди, уларнинг дардига малҳам бўлади. Ажралиш ёқасидаги оилалар, таъйик қўрган аёллар, ёшлар билан ота-онаси ўртасидаги муаммоларни ҳал қилишга қўмаклашади.



Уринишларимиз безътибор қолмади. Маҳалламизда яшовчи Ҳаётжон Эргашев хонадониде ўтказилган тўй бу саъй-ҳаракатларнинг жонли мисоли бўлди. Тўйда атиги 120 киши иштирок этди, ортиқча дабдаба йўқ, меъёр сақланди. “Чаллари” бўлмади, “келинсалом” қилинмади — фақат дуои-фотиҳа, самимият ва меҳр билан тўй чиройли ўтказилди. Бир ой аввал кизини ихчам узатганидек, бу сафар ҳам меъёр сақланиб, фарзанд ларига битта кунда ош берилди. “Исроф бўлмагани учун кўнглим тўқ бўлди, раис”, — деди Ҳаётжон ака.

Марказ аёлларнинг иқтисодий мустақиллигига ҳам хизмат қилмоқда. Жумладан, Дилдора Нурматова пишириқ бизнесини йўлга қўйиб, имтиёзли кредит олди. Зухра Тўқсонбоева ҳам янги печь харид қилиб, ўз имкониятларини рўёбга чиқарди.

Бу ишларнинг барчаси аёлларимиз боши баланд юрсин, оиласига суянч бўлсин, деган эзгу мақсадда амалга оширилмоқда. Чунки аёлнинг қўлида хунар бўлса, оиланинг эртаси ишончли ва турмуши баракали бўлади.

НИГОҲ



2026 йил
1 январдан
33 та туман (шаҳар)да
фаолият юритувчи
давлат органларида
КАДРЛАР РОТАЦИЯСИ
ТИЗИМИ
жорий этилади.



Давлат
органларида
ходимларнинг
КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ БАРҚАРОРЛИК
даражаси
диагностикадан
ўтказилади.



Мажбурий
даволаш учун
мўлжалланган
наркология
муассасаларида
ДАВОЛАШ ЖАРАЁНИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ тартиби
белгиланди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСБИ ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Камбағаллик домига тортадиган иллатларга барҳам бердик, ўнгландик”

ИБРАТ

ХОВЛИСИДА МЕХНАТ ҚИЛИБ, ҲАЛОВАТНИ ТОПГАНЛАР КўП

Ҳаловат Иброҳимова “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турарди. “Маҳалла еттилиги” тавсияси билан имтиёзли кредит олиб, ўз ховлисида иссиқхона ташкил этди. Бугун у ерда етиштирилаётган полиз маҳсулотлари нафақат оила бюджетига фойда келтирмоқда, балки маҳаллий бозорларга сифатли маҳсулот етказиб берилмоқда. Ҳозир иссиқхонадан кунига 100 кг. бодринг олиб, дўконларга сотмоқда. Ҳаловат кейинги мавсумда помидор экиб, йилига 60–70 миллион сўм соф даромад олишни мақсад қилган.



Маҳалламизда эҳтиёжманд сифатида рўйхатда туриб, “еттилик” кўмагида ўзини ўзи банд қилган, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган инсонлар кўпчилигини ташкил этади. Ўтган йил билан солиштирганда жорий йилда камбағаллик, ишсизлик даражаси кескин камайди. Жиноятчиликдан холи ҳудудга айландик.

Холмўмин БОБОЁРОВ,
Касби туманидаги
“Талишбе” маҳалласи
раиси.

ИБРАТ

Миграциядагилар билан йўлга қўйилган узвий алоқа натижасида 37 нафар хорижда ишлаётган маҳалладошимиз оиласи бағрига қайтди. Уларга имтиёзли кредит, ер ажратилиб, бандлиги таъминланди. Мисол учун, Озодбек Раҳматуллаев қайтиб келгач, “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 40 сотих ер олди. Ҳозир биринчи экинча бугдой парваришляпти. 50 миллион сўм даромад режа қияпти.

“Камбағал оилалар реестри”да турган Зарифа Мирқобулова ҳамда Бахтиёр Тоировга чорвачилик йўналишида 10 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу орқали ҳар икки фуқаро рўйхатдан чиқарилди. Мамлакатимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқлари, унинг кадр-қимматини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ислохотлар маҳалламизда ҳам ўз аксини топмоқда. Малоҳат Худойбердиеванинг яқингача фуқаролиги бўлмаган. 1993 йилдан буён Ўзбекистонда муқим яшаб келаётган бўлса-да, фуқаролик бахти унга орзу бўлиб келаётганди. Жорий йилнинг март ойида ниҳоят, орзуси ушалиб, фуқаролиги тан олинди. Гувоҳ бўлганингиздек, ҳар қандай масала маҳаллада ҳал этилиб, мурожаатчилар узоғи яқин, оғри енгил бўлмоқда.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

Шавкат БЎРИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси
Касби тумани бўлими бошлиғи.

“Фазли” маҳалласида амалга оширилаётган “Сервис поинт” лойиҳаси доирасида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда. Бунинг учун 15 нафар тадбиркор 1,5 миллиард сўм маблағ йўналтирган бўлиб, 60 нафар фуқаро иш билан таъминланиши ҳамда кунига 10 минг миқозга хизмат кўрсатиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланиб, давлат бюджетидан 230 миллион сўм ажратилиб, пиедалар йўлаги барпо этилди, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. “Хўжақарлик” ва “Майманок” маҳаллаларидаги ёшларга деҳқон хўжалигини юритиш учун ер майдонлари ажратилди. Бу майдонда “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида турли хил сабзавот экинлари парваришланмоқда. Ҳосилдорликни ошириш учун ёшлар етакчи тадбиркорларга бириктирилган. Тумандаги 38 та маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Масул идора ва ташкилот вакиллари билан биргаликда криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда жиноятларни барвақт профилактика қилиш бўйича манзилли чора-тадбирлар белгиланиб, “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилган. Маҳаллаларнинг асосий кириш ва чиқиш жойларига 52 та видеокўзатув камераси, савдо марказлари ва бозорларга 27 та шахсининг юзини ва автотранспорт воситаларини давлат рақамларини таниб олувчи камера ўрнатилди.



Тўй ва маросимларни қисқартириш, камчиқим қилиб ўтказиш халқимизнинг асрдан-асрга ўтиб келаётган, ечими ўзимизга боғлиқ бўлса-да, амалга ошириш ғоят қийин кечаётган долзарб масала ҳисобланади.

Ниҳоят, Президентимиз ташаббуси билан бу масалага ечим топилди. “Маромийлик” дастурига кўра, туманимизда ҳам исрофгарчилик, дабдабозлик, шухратпарастлик ва меъёрни сақла-маслик каби салбий ҳолатларга барҳам бериш, тўй ва оилавий маросимларда ортиқча сарф-харажатларни камайтиришга доир ҳаракат бошланди. “Тўй – дабдаба эмас, бахтнинг бошланиши” номли тарғибот тадбирлари давра суҳбати шаклида ўтказилмоқда. Тадбирларга зиёли, обрў-эътиборли, ўзига тўқ оилалар вакиллари жалб этилмоқда. Чунки одамлар уларга эргашади ва тўй-маросимларни исрофгарчиликларсиз ихчам ўтказишни ташкил қилишга эришамиз. Ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминланаётгани, муаммоларига тезкор ечим топилаётгани аҳолининг маҳаллага ишончини янада оширмоқда. Бу жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. “Майманок” маҳалласида истикомат қилувчи М.Абдуллаева ногиронлиги сабабли мустақил ҳаракатланишда қийналар эди.

Унинг оила аъзолари маҳаллада ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимга мурожаат қилиб, ногиронлик аравачасига эҳтиёжи борлигини маълум қилишди. Мурожаат масъулар томонидан қисқа вақт ичида ўрганилиб, “маҳалла еттилиги” тавсияси билан аравача олиб берилди. Камбағаллик — ижтимоий ҳолат, иллат эмас, чунки унинг сабаблари кўп. Ундан чиқиш учун инсоннинг ўзида хоҳиш бўлиши, ҳаёт тарзи ва дунёқарашини ўзгартириши зарур. Мана шу мезонлар асосида иш ташкил этилгани учун сўнгги икки йилда камбағал оилалар сони кескин қискарди. Айни кунларда ҳам “еттилик” иштирокида аҳолини доимий даромад манбаига эга бўлиши учун зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Миграцияда ишлаётган кам даромадли фуқароларни аниқлаб, уларни ўзимизда юқори маошли ишларга жалб этилмоқда.

Бир боғбоннинг меҳнати барчага ибрат бўляпти



Сафар Эрдонов маҳаллада боғбонлиги билан ном таратган. Ҳам меҳнати, ҳам маънавияти билан бошқаларга ибрат. Айни дамда томорқасида 22 турдаги 150 тупдан зиёд ток парвариш қилади. Бунинг ўзига яраша сир-синоати бор. Боғбон, авваламбор, кўчат экиладиган жойни тупроқ унумдорлигини ўрганиб, шўрлик даражасини аниқлайди. Шу боис ҳосилдорлик яхшиланиб бормоқда.

Нодир ТИЛОВАТОВ,
Касби туманидаги
“Пахтакор” маҳалласи раиси.

Кўпинча ер ости сувларидан фойдаланади. Гоҳида оқова сув ишлатади. Шўр сув экинларга қуйилса, полиз, сабзавот, мевали кўп йиллик дарахтларга салбий таъсир қилади. Сафар бобо бунинг чорасини топган. Шўр сувни ер ости тик қудуғидан олади. Бунда қудуқ олдида қуёш нури тушадиган катта ҳовуз қурган. Ичидаги сув бир-икки кун сақлангач, ерга мослашади. Шу билан ундаги зарарли моддалар йўқолади.

Томорқадаги экин майдони — 15 сотих. Ҳосилга кирган кўчатлар 50 тупга яқин. Ҳар йили 2 тоннадан ортиқ ҳосил олади. Айниқса, узумларининг донғи ҳар ёнга кетган. Шу боис хонадонига узум сўраб келадиган харидорларнинг кети узилмайди. Қишлоқ аҳли, қўшни қишлоқдан келганлар турли-туман узум навларидан сотиб олади. Нок, гилос, бир неча навли олма томорқани беэаб турибди.

Апрель ойидан ноябрь ойигача ховлига хушбўй ифोर таралади. Чунки бир дона мушкӣ анбар дарахти хонадонни янада файзли бўлишига хизмат қияпти. Отахоннинг турмуш ўртоғи Шохида Умарова 10 хилдаги гулларни парвариш-лаб келяпти. Тиниб-тинчимас бу аёл турмуш ўртоғи билан боғдаги барча юмушларни бекаму-қўст бажаришга ҳаракат қилади. Шу боис яхшигина ҳосил олиб, даромад чўғи ҳам юқори бўляпти. Токлар орасида беш юз туп ниҳоллар парвариш қилинапти. Кузда бу ниҳоллар сотувга чиқарилади ва оилага қўшимча даромад келтиради.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗЧИ?”

“Mahalla” сиз раис қуролсиз ҳарбийга ўхшайди

Эркин ЎТАГАНОВ,
Касби туманидаги “Қорақўнғирот” маҳалласи раиси:

— Матбуот бизни халққа яқинлаштиради, воқеликни тўғри баҳолашга ундайди ва масъулият тўғриси кўчаптиради. Шунинг учун ҳар бир маҳалла раисининг қўлида газета бўлиши оддий одат эмас, балки маънавий эҳтиёждир. Чунки маҳалла тизимида фаолият олиб бориш жараёнида турли-туман одамлар билан мулоқотда бўламиз, ҳар хил масалаларга ечим излаймиз. Шу жараёнда ишончли манбаага эҳтиёж туғилади. Бунда “Mahalla” газетасининг кўмаги жуда катта бўляпти. У бизни тинглайди, мурожаатларимизни ёритади, кези келганда, ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, “Mahalla” сиз маҳалла ходимини қуролсиз қолган ҳарбийга ўхшатаман. Шу боис анъанага содиқ қолган ҳолда, келгуси йил учун обуна бўлдим.





Нукус ва Самарқанд
ЮНЕСКОнинг
ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ
ШАҲАРЛАРИ
тармоғига қўшилди.



Ўзбекистонда
букмекерлик хизматларни
тарғиб қилувчи
70 га яқин ВЕБ-САЙТ
БЛОКЛАНДИ.



ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИ
мамлакатлари бандлик ва
ижтимоий ҳимоя бўйича
ишчи гуруҳ тузади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Янги ҳаёт нафаси кириб бормаган ҳудуд ва хонадон қолмаган

●●●●● ҲОЛАТ

“Бизда барча даромадли юмуш билан банд”

Қираиқликлар деҳқончилик бора-сида катта тажрибага эга. Ҳозирда 1 112 та хонадон эгаларининг ярми сабзавотчилик, асосан, қарам, картошка, сабзи, тўқсонбости экинлар ва кўкатлар етиштириб, туман ва пойтахт аҳолисини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминляпти.



Тоир ЭРГАШЕВ,
Тошкент туманидаги
“Қираиқ” маҳалласи раиси.

Илғор томорқачилардан бири — Акмал Каримов тўрт сотихли томорқасида қарам ва турли хил кўкатлар экиб, рўзгорини обод этяпти. Бундай тажрибали томорқачилар фақат томорқаси билан чегараланиб қолгани йўқ, улар фермер ҳўжаликларининг ғалладан бўшаган ер майдонларига ижара асосида иккинчи экин сифатида картошка ва қарам экиб, қўшимча даромад топяпти.

Маҳалла ҳудудида йигирмадан ортиқ фермер ҳўжалиги бўлиб, уларнинг саккизтаси боғдорчиликка ихтисослашган. Эътиборлиси, узум, олхўри, олма ва гилос қатор оралари бўш тургани йўқ. Фермер ҳўжалиги ишчи-ҳодимлари пиёз, қарам, саримсоқпиёз, қулупнай экиб, яхшигина фойда олишяпти. Жумладан, Комилжон Дўстмуҳаммедов раҳбарлигидаги “Тамарахоним” фермер ҳўжалиги икки гектар иссиқхона-сида помидор, бодринг ва турли хил гул маҳсулотлари етиштириб, нафақат маҳаллий бозорларга, балки хорижга ҳам экспорт қияпти.

“Oltin-ufq-green” боғдорчилик ҳўжалиги эса йилгига 153 тонна экспортбоп узум ва шафтоли етиштиряпти. Бу йил замонавий усулда 7 гектар ер майдонида инвентро усулида шафтоли боғи барпо этилди. Яна 9 гектар жойда гилос боғи ташкил қилиняпти.

Фуқароларимиз жуда аҳил. Шу боис “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида олти маротаба ғолиб бўлиб, 12 километр ички кўчаларни асфальтладик. 10-умумтаълим мактабини таъмирладик. Ҳозир мактаб ҳовлисида қўшимча стадион қуриляпти. Мактабнинг спорт залида ҳар куни — 18:00дан 22:00га қадар ёшу қари иштирокида турли спорт мусобақалари ўтказиб борилади. Қизиқувчилар учун футбол, стол тенниси, гимнастика, кураш бўйича тўғарақлар ташкил этилган. Энди бокс тўғарагини йўлга қўямиз.



Йиғинда “Уч авлод” учрашуви мунтазам ўтказияпти. Унда нурунийлар ёшларга ҳаёт тажрибаларидан сўзлаб, уларни шукроналик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшяпти.

Шунингдек, фаол, ташаббускор ёшлардан иборат “Мен жиноятга қаршиман!” ёш посбонлар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди. Улар ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш борасида профилактика инспекторига кўмаклашяпти.

Бизда бекорчи одамнинг ўзи йўқ, ҳамма бирор юмуш билан банд. Ҳукувчи-ёшлар эса дурадгор, чилангар, бўёқчи усталарга шогирд тушиб, ҳунар ўрганапти.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Рустам ЮСУПОВ
тайёрлади.

Тошкент туманидаги кенг қўламли бунёдкорлик ишлари аҳоли фаровонлигини таъминлаш билан бирга, ҳудуд инфратузилмасини янада ривожлантиришга хизмат қиялпти.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Тошкент тумани
бўлими бошлиғи.

Айниқса, бош — Келес йўли кўчаси кенгайтирилиб, унинг икки тарафида Давлат хизматлари маркази, Ёшлар маркази, маданият саройи, амфитеатр, универсал спорт мажмуаси, Хотира майдони ва сайилгоҳ каби кўркам иншоотлар қад кўтарган, ҳудуднинг қиёфаси тамоман ўзгарди. Эски, пасткам уйлар ўрнида элликка яқин кўп қаватли тураржой мажмуаси қурилди. Бу уйларнинг ертўла ва биринчи қаватида савдо, умумий овқатланиш, маиший ва молиявий хизматлар бўйича уч юзга яқин шохобча ташкил қилинмоқда. Натижада мингдан ортиқ киши, жумладан, шу ерлик ёшлар ва аёллар ишли бўляпти. Биргина “Ибрат” маҳалласида 2 минг 231 хонадонга мўлжаллаб бунёд этилаётган замонавий кўп қаватли тураржой мажмуаси

шунча оила учун яна бир янги ҳаёт, янги имкониятдир. Ўзгаришлар фақат туман марказида эмас, чекка маҳаллаларда ҳам бўй кўрсатмоқда. Масалан, Осиё тарққиёти банки маблағлари ҳисобидан 36 та маҳалла аҳолиси тоза ичимлик сув билан таъминланди. Шунингдек, аҳолининг газ ва электр таъминоти яхшиланиб, маҳаллаларнинг ички йўллари босқичма-босқич асфальтланяпти. Томорқаларни сув билан таъминлаш ишлари жадаллашди. Мисол учун, “Бунёдкор” маҳалласида аҳоли учун томорқа ерларини самарали суғориш учун махсус бетон ариқлар ўрнатилди. Қувонарлиси, ислохотлар давом эттирилиб, туман ҳокими бошчилигида “маҳалла еттилиги” аъзолари ва масъул ташкилот вакиллари иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлиги, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя ва инфратузилмани такомиллаштириш бўйича янги ташаббус ва лойиҳалар амалга ошириляпти. Мақсадимиз — камбағалликни



Ўз хизмат
биносига эга
бўлмаган
“Ширин”,
“Қашқарлик”,
“Қўҳнур”,
“Янги ҳаёт”
маҳаллаларига
янги идора
қуриб берилди.

камайтириш, фуқаролар даромадини оширишдир. Масалан, “Баҳор” маҳалласида яшовчи бир оила вакилига ссуда асосида берилган печь мазкур оиланинг даромад манбаини барқарорлаштиришга, кичик бизнес йўналишида фаолият юритишига имконият яратди. “Бештерак” маҳалласида яшовчи яна бир камбағал оила вакилига тикув машинасининг топширилиши унга ўз меҳнати билан тирикчилик қилишга кўмак берди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Оқтош” маҳалласида олиб борилаётган ишлар туман аҳолиси учун намуна

бўляпти. Йиғин ҳудудида 1 050 туп терак кўчати экилди. Яна мингга кўчат экиш режалаштирилган бўлиб, ишлар босқичма-босқич давом эттирилади. Ушбу ҳаракатлар нафақат ҳудуднинг манзаравий кўринишини яхшилайдиги, балки келажак авлод учун соғлом ва тоза муҳит яратишга хизмат қилади.

Умуман олганда, Тошкент туманида амалга оширилаётган ислохотлар бу халқ дардига қулоқ тутиш, фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва сўздан амалга ўтилган ҳаракатлар намунасидир. Ҳар бир соҳадаги ютуқлар, аввало, инсон манфаатлари йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар самарасидир.

●●●●● ЖАРАЁН

Ихтисослашув имкониятни кенгайтириб, интилганга ғайрат берди

Сўнгги йилларда
маҳалла халқ
ҳаётига яқин,
самарали
тизимга айлантирилди.
“Еттилик”
тизими жорий
қилиниб, маҳаллаларга кўплаб
ваколатлар
берилди. Фуқароларга кредит
ва субсидияларнинг ажратилиши натижасида
камбағаллик ва ишсизлик даражаси кескин
камайди.



Мактуба САРИМСОҚОВА,
Тошкент туманидаги
“Аҳиллик” маҳалласи раиси.

Бу жараёнда маҳаллаларнинг маълум соҳага

ихтисослашиши оилалар даромадининг ошишига туртки бўляпти. Масалан, “Аҳиллик” маҳалласи тикувчилик ва қорамолчиликка ихтисослаштирилди. Ҳозирда ўттизга яқин хонадон бекалари тикувчилик билан шуғулланмоқда. Жумладан, Заҳро Омонова ҳам

Аввал уйда
ишсиз ўтирган
Феруза
Қосимова
имтиёзли
кредит асосида
тикув машинаси
харид қилиб,
буюртма асосида
кўйлаб
ва футболка
тикишни
йўлга қўйди.
У ўзи билан
бирга, яна
беш нафар
хотин-қизни
ишли қилди.

буюртма асосида кўйлаб ва футболкалар тайёрляпти. Натижада тўрт нафар маҳалладоши доимий даромад манбаига эга бўлди. Маҳалламизда етмишдан ортиқ хонадон эгаси қорамол боқиб, гўшт етиштиряпти. Баъзилари соғин сиғир боқиб, оиласини сут билан таъминляпти. Ҳоким ёрдамчиси бошчилигида маҳалладаги ҳар бир имконият лойиҳага айлантирилиб, янги иш ўринлари яратилляпти. Айниқса, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланяпти.

Қувонарлиси, маҳаллалар инфра-

тузилмасига ҳам алоҳида маблағлар ажратилиб, ҳудудлар қиёфаси замонавий кўринишга келяпти. Жумладан, 11 километр ички кўчаларимиз асфальтланди. 4,5 километр қувурлар алмаштирилиб, аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Томорқаларни суғориш жараёнида оқова сувдан самарали фойдаланиш учун лотоклар қўйилляпти. Эски симёочлар ўрнида 137 та бетон устунлар ўрнатилди. Тунги ёритиш чироклари қўйилиб, фуқароларнинг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, “маҳалла еттилиги” ташкил этилган, барча соҳаларда ўзгаришлар бўляпти.

●●●●● “МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla”дан ўрганиб, ўргатганимиз ҳам бор...”



Дилором УСМОНОВА,
Тошкент туманидаги
“Сирғали” маҳалласи раиси:

— Узоқ йил маҳалла тизимида ишлаб келишимда “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнаlining ҳам ўз хиссаси бор, десам адашмайман. Чунки ушбу нашрларни мурола қилиш жараёнида соҳамизга оид қарор, фармон ва қонунлардан тўлиқ хабардор бўл-яман. Шунингдек, республикамизнинг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимнинг иш

тажрибаларини ўрганиб боряпман. Бир неча бор ўзимизнинг ҳам иш тажрибаларимизни “Mahalla” газетаси эълон қилганмиз. Шу ўринда маҳаллам ҳақида қисқа тўхталиб ўтсам. Маҳалла Қозоғистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Аҳолининг 30 фоизи пойтахтдаги турли ташкилотларда меҳнат қилади. 10 фоизи деҳқончилик билан шуғулланади. Аксарият хонадон эгалари чорва моллари боқиб, асосан, сут-қатиқ сотишади. Жорий йил 1,4 километр

ариқлар бетонлаштирилди. 47 та симёоч бетон устунга алмаштирилди. 200 та хонадон томорқачиликни йўлга қўйди. Шу йил “огир” тоифадаги маҳаллалар рўйхатида киритилиб, 3 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар эвазига электр энергия ва ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Фақат асфальт ишлари охирига етмай қолди.

Бир сўз билан айтганда, “Mahalla” газетаси йиғин раислари учун энг яхши кўмакчидир. Шу боис ҳар икки нашрга обуна бўлди.



Тошкентда МДХ ва Марказий Осиёда яшаётган юртдошлар иштирокида "БАТАНДОШЛАР" минтақавий форуми бўлиб ўтди.



2026 йилда 200 миллион долларга 800 та ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ харид қилинади.



Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғуруқ, иш ёки даромадни йўқотишда ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ амал қилади.

Mahalla

№99 | 2025 йил 10 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

7

СУРХОНДАРЁ
ВИЛОЯТИ
АНГОР
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Муҳим масалалар ижросига масъулилик — устувор мақсадимиз!

Йўллар — бизни гўзал манзиллар сари элтувчи восита демак. Уларнинг текис ва равон бўлгани нақадар яхши. Шу мақсад сари туманимизда ҳам саъй-ҳаракатлар жадал тарзда давом эттириляпти.

Жасур ўРОЗОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Ангор тумани
бўлими бошлиғи.

“Қадимий ангор”, “Каттакум” ҳамда Улуғбек номидаги маҳаллаларда ички кўчаларни асфальтлаштириш орқали аҳолининг иш ва ўқишга бориб-келиши учун қулай шароит ҳозирланыпти. Бундан ташқари, электр энергияси ва ичимлик сув таъминотини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш, чиқиндиларни ўз вақтида ташиш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш бўйича ишлар изчил олиб бориляпти. Жумладан, ҳудудларни бегона ўтлардан тозалаш, дарахт ва буталарни оклаш, атроф-муҳитни озода сақлаш доимий мақсадимизга айланган. “Яшил макон” лойиҳаси доирасида йўл четлари ва туман марказидаги кўчаларда турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиляпти. Хусусан, куз мавсумида 2 240 туп арча кўчати ерга қадалди. Шу билан бирга, бошқа турдаги дарахт ва



Туманимизда тадбиркорлик йўналишидаги натижалар ҳам эътиборга молик. Йилдан-йилга янги бизнес лойиҳаларини амалга татбиқ этаётганлар сонининг ортиб бораётганидан фақат хурсанд бўламиз.

гул кўчатлари ҳам ўтказилмоқда. Масалан, “Шарқ гули” маҳалласида фаолият юритаётган “Чарос-Ангор” оилавий корхонасида тикилаётган турли хил маҳсулотлар маҳаллий бозорларга чиқариляпти. Натижада 20 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Умумий қиймати 1,2 миллиард сўм бўлган мазкур корхона йилига 50 минг дона тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Оилавий корхона фаолияти туман ҳудудида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Мазкур маҳалладаги “Уста Салим ҳожи” масъулияти чекланган жамияти замонавий музлатгичли омборхона орқали мева ва сабзавотларини сақлаш хизмати-ни кўрсатиб келмоқда. Корхона

омборхонасининг умумий сиғими 800 тоннани ташкил этади. У замонавий совитиш тизими билан жихозланган бўлиб, маҳсулотларнинг табиий ҳолатини узок муддат сақлаш имконини беради. Мазкур фаолият натижасида ҳудудда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва ички ҳамда ташқи бозорга етказиб бериш имконияти кенгаймоқда. Давлатнинг халқ ишонч билдирган вакили сифатида ҳеч бир масалани эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Фуқароларнинг фаровон турмуш кечириши, оилалар мустаҳкамлиги, тадбиркорларга қулай шароит яратиб берилиши каби йўналишларнинг барчаси бирдек аҳамиятга эга. Зеро, бугун олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам тўлақонли ва кенг қамровли хизмат кўрсатишни йўлга қўйишдан иборат.

ЛАВҲА

“ЯҚИНЛАРИМ ЭНГ ЯХШИ ОДАМЛАР, ЛЕКИН ҲЕЧ КИМ МЕНДАН УЗОҚМАС...”

Ҳаётда сиз учун қадрли бўлган инсонлар қанча? Улар билан суҳбатлашиш, бирга вақт ўтказиш нақадар мароқли. Маҳалла тизимига келгунимча, менинг ёнимда фақат оила аъзоларим ва ҳамкасбларим бор эди, холос. Кейин вазият бутунлай ўзгарди. Раислик лавозими ортидан яқин кишиларим сони шунчалар кўпайдики...



Гулором МАМАТОВА,
Ангор туманидаги
“Чинобод” маҳалласи раиси.

Бугун ҳудудимизда истиқомат қиладиган 3 714 нафар фуқаронинг барчасини ака-синглимдек кўраман. Хонадонларга кирганимда, соатлаб уларни тинглайман. Имкон қадар тезроқ муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қиламан. Жараён давомида катта-кичик масалага бирдек масъулият билан ёндашиш шиоримга айланган. Маҳалламиз, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик йўналишига ихтисослашган. Хонадон вакиллари қишин-ёзин ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш бўйича катта тажрибага эга. Мисол тариқасида Улуғбек Мусулмонкулов оиласини келтириш мумкин. Улар 23 сотихли томорқасида кўплаб полиз маҳсулотлари етиштиряпти. Бир сотихли иссиқхонаси эса совуқ кунларда даромад топишнинг қулай воситасига айланган. Бундан ташқари, хонадон аъзолари чорвачиликка ҳам алоҳида эътибор билан ёндашади. 20 тадан ортиқ қўй ва битта соғин сигиридан қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланади. Оила бошлиғи бу каби юмушларни бажаришда турмуш ўртоғи билан ўғлига суянади. Уртадаги ҳамкорлик муҳити натижасида оила вакиллари йилига 220 миллион сўмгача соф фойда кўришни уддалаяпти.

Ҳар йили куз келиши билан деҳқонларимиз тўқсонбости экин сифатида ерга қўкат уруғини сепишни бошлайди. Тез фурсатда етилган ҳосилдан даромад топишга киришади. Кунига 40-50 килограммгача маҳсулот ғамлаб, маҳалла марказидаги улгуржи бозорда сотишади. Харидорлар шивит ва кашиничи юртимизнинг турли манзиллари ва хорижий мамлакатларга экспорт қилишади. Ўрлотош Дурдиев — ўттиз йиллик чорвадор. Айни вақтда 80 та қўй ва 28 бош қорамол боқиб, анчагина фойда кўрапти. Йиллик даромади 300 миллион сўмни ташкил этади. Асосийси, икки нафар ўғлининг бандлигини таъминлаган. Энди иш бошлаётганларга керакли йўл-йўриқ кўрсатишдан эринмайди. Шунинг учун маҳалламиздагилар бу инсонни бошқача ҳурмат қилишади. Гарчи совуқ кунлар бошланган бўлишига қарамай, маҳалламизда ободонлаштириш ишлари авжида. Ислом тараққиёт банки ажратган 19 миллиард сўм маблағ эвазига 490 ўринли мактаб, 90 ўринли боғча қуриляпти. 11 км. ички йўللarga асфальт ётқизил-япти. Бундай ўзгаришларни кўрганда, “еттилик” вакиллари янада кўпроқ ғайрат қилишимиз кераклигини тушу-ниб етаямиз. Халқимиз учун яратиб берилаётган қулай шароит энг илгор маҳаллалардан бирига айланганимизга туртки бўлади, деган ишончимиз бор.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

АНИҚ ВАҚТ ВА ФУРСАТИМ “MAHALLA” БИЛАН ФАЙЗЛИ



Алишер НУРМАТОВ,
Ангор туманидаги
“Марказ” маҳалласи раиси:

— Вақтни мазмунли ўтказиш усуллари жуда кўп. Кимдир спорт билан шуғулланиб, роҳатланса, яна биров санъатдан лаззат туяди. Мен учун эса мутлола алоҳида аҳамият касб этади. Қачон қўлимга китоб ёки даврий нашрларни олсам, барча ташвишларим унут бўлади. Замонамизга келиб электрон воситаларнинг ривожлангани, ўқишга иштиёқни биров сусайтиргандек бўлди. Лекин ҳақиқий ихлосманд кишининг тарки одат қилиши осон эмас.

Гарчи бугун маҳалла тизимида ишлаб, бош қотирадиган юмушларим кўп бўлишига қарамай, кунимнинг қайсидир қисmini мутлолааа ажратишни одат тусига айлантирганман. Бу борада “Mahalla” газетаси доимий ҳамкорим. Унинг саҳифаларида биз учун тенгсиз ва қимматли маълумотлар чоп этилаётгани тизим самардорлигини таъминлашда дастак бўляпти. “Mahalla koʻzgusi” журнали эса илмий асосга эга мақолалари билан билим ва қарашларимизни бойитишга хизмат қиляпти. Ҳар икки нашр биз “еттилик” вакиллари учун муҳим аҳамият касб этгани боис унга келгуси йил учун ҳам обуна бўлди.

БИР НАЗАР

Меҳнатда даромад бор, ҳаракатда фароғат!

Тўрт йилдан буён умримнинг ҳар лаҳзасини маҳалламизнинг гуллаб-яшнаши, фуқароларнинг фаровон турмуш кечириши учун бағишлаб келяпман. Бундан ўзимни жуда бахтли ҳис қиламан. Шу билан ҳаётий мақсадларим аниқ, нима учун, ким учун ҳаракат қилаётганимни яхши биламан. Меҳнатимиз самараси ўлароқ, одамларни қийнаётган муаммолар ечим топяпти.

Равшан ЖОВЛИЕВ,
Ангор туманидаги “Юкори
Тиллашқон” маҳалласи раиси.

Ҳудудимизда истиқомат қиладиган 3 296 нафар фуқаро деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, юрт ривожини учун хизмат қиляпти. Инсонларнинг ерга бераётган меҳри, иштиёқ билан парваришалаётган чорва моллари нафақат маҳалламиз, балки бутун мамлакатимиз дастурхонининг тўкин-сочин бўлишига замин яратмоқда. Аниқ режа асосида ташкил этилган фаолиятимиз давомида ишсизликни тулик бартараф этишга эриш-

дик. “Камбағал оилалар реестри”га киритилган хонадонлар ҳам учтагина эди. Манзилли ёндашув асосида уларни ҳам рўйхатдан чиқарганимиз “еттилик” вакиллари учун қувонарли натижа.

Бир хонадонга кирганимизда, уч нафар фарзанд улғайтираётган эр-хотиннинг тайинли иш жойи йўқлигидан камбағалликка тушиб қолганига ғувоҳ бўлдик. Уларни бу мушкул вазиятдан чиқариш учун аёлга субсидия асосида тикув машинаси тақдим этилди. Оила бошлиғини эса хусусий корхонада банд қилганимиздан кейин 4 миллион сўм маош ола бошлади. Бундан ташқари, тайинланган бопалар нафақаси гўдакларнинг ҳарajatларини қоплашда дастак бўляпти.



Мўъжазгина боғидаги олма ва ўриклар ғарқ ҳосилга кирган. Миришкор эрта баҳордан токи кеч кузга қадар 20-30 нафар кишининг мавсумий бандлигини таъминлаб келяпти. Унга ўтган йили фаолиятини кенгайтириши учун имтиёзли равишда кредит ажратилди.



чилик ва чорвачилик бўйича узок йиллик тажрибага эга. Ўн йилдан ошибдики, 50 гектардан кўпроқ майдонда қовун, тарвуз, ғалла, картошка ҳамда пивз каби полиз экинларини етишти-риб, элга хизмат қиляпти. Жорий йилда тадбиркорлик


бошлаш истагини билдирган 16 кишига имтиёзли равишда 33 миллион сўмдан кредит ажратилди. Маблағдан унумли фойдаланганлар бугун даромадини ошириб, фаровон ҳаёт кечиряпти. Омон Курбоновни бунга мисол сифатида келти-

риш мумкин. У кредит эвазига 3 бош қорамол харид қилиб, уйидаги чорваларининг сонини 12 тага етказди.

Келгусида аҳоли манфаати йўлида инфратузилмани яхшилаш асосий мақсадга айланган. Ислом тараққиёт банки ажратадиган 14 миллиард сўм маблағни ички кўчаларни асфальтлаштириш, электр таъминотини яхшилаш, ёритиш чирокларини ўрнатиш каби мақсадларга йўналтирмоқчимиз. Шу орқали ҳаётимиз янада фаровон кечилишига ишончимиз комил.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХҲҲАЕВА
тайёрлади.





НИГИНА СОБИРОВА
аёллар кураши бўйича
катталар ўртасидаги
Ўзбекистон чемпионига
айланди.



ЖАВОХИР СИНДОРОВ
“Катта дубулға”
финалининг давра
босқичида
Магнус Карсен ва
Фабиано Каруанани
мағлуб этиб,
ғалабага эришди.



ФУТБОЛ БЎЙИЧА
Ўзбекистон миллий
терма жамоаси
Жаҳон чемпионати гуруҳ
босқичи ўйинларини
Мехико, Хьюстон ва
Атланта шаҳарларида
ўтказди.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!”



ТУШКУНЛИКДАН ТЕЗРОҚ ҚУТУЛМОҚЧИМИСИЗ, У ҲОЛДА ТОШ КЎТАРИНГ!

Жамшид АБЗАМОВ,
мураббий.

Масалан, ҳар кун
штанга ёки гантел
кўтариш машқларини бажариш
кардиотерапия амалига киради. Бу
машғулотлар юрак уриш даража-
сини тезлаштиради. Бунинг нати-
жасида тана дофамин — қоник
гормонларини кўпроқ ишлаб
чиқара бошлайди. Бу асаб тизими-
га ижобий таъсир кўрсатади.

Сиз ҳар кун танага жисмоний
зўриқиш ҳаётида турган ҳар қандай
турдаги спорт машқларини бажар-
сангиз, зиён қилмайсиз. Бу нафақат
тушқунлик, балки бошқа хавфли
хасталикларни ҳам нари ҳайдайди.

Гантеллар — эркак ва аёллар,
ўсмир ва қариялар учун бир хил
даражада мос келадиган спорт
анжонидир. Гантел машқларида

жуда кўп мушаклар ишлайди,
кучни оширади ва чаққонликни
яхшилайдди. Унинг вазни инсон
жинси, ёши ва жисмоний тайёр-
гарлигига боғлиқ. Аёллар учун
бошланғич вазн 1-2 килограммдан
бошланади. Илгари спорт билан
шуғулланмаган эркаклар учун ҳам
худди шундай оғирликдаги тошлар
таъсия этилади.

Гантел тошларининг оғирлигини
аста-секин 10-15 килограмм ва
ундан кўпгача оширинг. Одатда
оғирлик машқларига факат
12-14 ёшдан бошлаб рухсат бери-
лади, лекин бу гантелларни кўлин-
гизда ушламанг дегани эмас. Агар
унинг оғирлиги 1-2 килограммдан
ошмаса, болалар ҳам шуғулланиши
мумкин, ҳатто керак. Бошланғич
синф ўқувчиси учун белгиланган
оғирлик бир неча йил давомида
қўшимча диск сотиб олмасдан
етарли бўлади. Шунинг учун сиз
болалар учун куйма гантелларни
олишингиз керак.

“**Ётган ҳолда
штангани кўта-
риш анча сама-
рали. У кўкрак
мушакларини
тўлиқ ишлатади.
Уни бажараёт-
ганда, бир вақт-
нинг ўзида бир
нечта бўғимлар
ишлайди ва
нафақат кўкрак
кафаси, балки
елка мушаклари
ҳам тобланиб,
пишади. Бу
машғулотлар
аввалида, му-
шаклар чарча-
гунча бажари-
лиши керак.**

Оёқларингизни ерга босиб,
ўриндикда ётинг. Штангани ел-
кадан бир ярим баравар кенгрок
тўғри тутамланг. Елкадан икки
баравар кенгрок ушлаш кўкрак
кафасидаги юкломани, — шу
билан бирга, елканинг шикаст-
ланиш хавфини сезиларли
оширади. **Нафас олиш пайтида
штангани кўкрак мушаклар
пастки қисмига туширинг, нафас
чиқараётганда уни ортга қайта-
ринг ва такрорланг.**

Худди шу машқни қия ўрин-
дикда бажариш мумкин, ўшанда
юқори кўкрак кафаси яхшироқ
тобланади. Ўриндик 45 ёки
60 градус бурчак остида ўрна-
тилиши ва штангани кўкракнинг
юқори қисмига тушириш керак.
Машқни тескари қияликда бажар-
иш мантиқ бермайди.

Агар сиз уйда гантел машқла-
рини бажаришга қарор қилсан-
гиз, тажрибали мураббийларнинг
маслаҳатларини эътиборсиз
қолдирманг. Кундалик тартиб ва
жисмоний машқлар жадвалига
риоя қилинг. Ва эсда тутинг: на-
тижага эришиш учун кўп ҳаракат
қилиш керак, аммо машғулотлар-
дан дарҳол таъсир кутманг.

Бу борада “маҳалла
еттилиги”, айниқса,
ёшлар етакчиси спорт
мураббийлари ва оилавий
шифокорлар иштирокида
умумтаълим мактабларида,
очик майдонларда кўрғазма-
ли тарғибот тадбирларини
мунтазам ташкил этиб
боришлари лозим. Шунда
нафақат ёшлар, балки
катта ёшдагиларнинг ҳам
спорт билан шуғулланиш
иштиёқи ортади. Бу эса
маҳаллада соғлом турмуш
тарзининг барқарорлашуви-
га хизмат қилади.



Сахифани
“Mahalla” мухбири
Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

САЛОМАТЛИК

Ҳозирги кунда дунё бўйича ярим мил-
лиарддан зиёд киши қандли диабетдан
азият чекмоқда. Улардан жуда катта
қисми хасталикнинг 2-турига чалинган.
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
таҳлилига кўра, 2050 йилга бориб бу
кўрсаткич қарийб 1,5 миллиард нафарга
етиши мумкин.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР МАЪҚУЛ?



Севара ФАХРИДИНОВА,
Республика ихтисослаштирилган
эндокринология илмий-амалий тиббиёт
маркази директори ўринбосари.

Мутахассислар ушбу касалликни кел-
тириб чиқарувчи омиллар орасида
носозлом турмуш тарзи асосий ўринни эгалла-
шини таъкидлайди. Шу боис мазкур сурункали
хасталикнинг олдини олишда эрта босқичдаги
таъхиснинг аҳамияти катта. Қолаверса, қандли
диабетнинг бир неча тури фарқланади. Хусу-
сан, унинг 1-тури болалар ва ўсмирлар ораси-
да кўпроқ учрайди. Агар ўз вақтида тегишли
даво чоралари кўрилиб, касаллик назоратга
олинмаса, оғир асоратларни келтириб чиқари-
ши мумкин.



**Диабетнинг 2-тури эса олдини
олиш мумкин бўлган хасталиқдир.
Соғлом турмуш тарзи, тўғри
овқатланиш, жисмоний фаоллик,
қонда қанд миқдорининг доимий
назорати — скрининг, керак бўлса,
тегишли дори воситалари орқали
бу дардни енгиш мумкин.**

Инсонда диабет олди ҳолатлари куза-
тилганда, шифокор тавсияларига тўлиқ риоя
этилса, қандли диабет ривожланишининг олди
олинади ва стационар шароитда даволанишга
эҳтиёж бўлмайди.

Қондаги қанд миқдори кун давомида доимо
тўлиқ меъёрга ушлаб турилиши керак. Шунда
диабет асоратларининг олдини олиш ёки ке-
чиктириш мумкин. Айна сабабдан аҳоли, авва-
ло, патронаж ҳамшираси ва оилавий шифокор,
қандли диабет билан касалланган беморлар
эса эндокринолог назоратида бўлиши шарт.

Эҳтиёж бўлганда кардиолог, невропатолог,
нефролог, офтальмолог, хирург мутахассислари
билан маслаҳатлашган ҳолда даволаниш чора-
лари кўрилиши керак. Агар диабетнинг анқ
белгилари бўлмаса, лекин сиз хавф гуруҳида
бўлсангиз, йилда бир марта қонда қанд миқдо-
рини текшириб турунг.

Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” ва оилавий
шифокорлар аҳоли ўртасида тўғри овқат-
ланиш ва жисмоний фаоллик ушбу касаллик-
нинг олдини олишда нақадар муҳим эканини
аниқ мисоллар ёрдамида мунтазам тушу-
н-тириб боришлари лозим. Шу орқали қандли
диабетдан азият чекаётган маҳалладашлар-
имиз сонини қисқартиришга эришамиз.

Газета саҳифаларидаги
барча мақолалар матнни
мусахҳих Феруза
ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Чегирма савдони бузадими?

— Ҳозирда мол
бозорларида
бир нарсга одат
бўлибди. Хари-
дор қорамол
сотувчиси билан
шундай келишув
қилапти: “Қора-
молни сўямиз ва
чикқан гўштига
100 минг сўмдан
бераман, сиз беш
килограмм гўшт
чегирма қилиб
берасиз”. Агар
харидор ҳам
шунга рози бўлса,
бундай келишув
тўғрими?



Ўзбекистон муслмонлари
идораси Фатво маркази:

— Бундай келишув факат
қорамолда эмас, бошқа савдо
маҳсулотларида ҳам учраб тура-
ди. Масалан, харидор картошка

сотувчисига “20 килограмм сотиб
оламан, бир кило чегирма қилиб
берасизми”, дейди. Икки томон-
нинг бирига фойда бўладиган
бундай келишув савдони фосид
қилади (бузади). Чунки сўралаёт-
ган келишувда харидорга фойда
бўладиган шарт қўйилмоқда.
Натижада харидор ҳеч қандай
тўловсиз 5 килограмм гўштга эга
бўлмоқда.

Шу сабабли бундай келишув
нотўғри ҳисобланади. Сотувчи-
нинг рози бўлиши бу ишни жоиз
қила олмайди. Чунки гоҳида
сотувчи пулга ўта муҳтож бўлга-
нидан ёки махсулоти сотилмай
қолишидан қўрқиб, мажбурий
рози бўлади. Бунинг ўрнига нарх
100 минг сўм эмас, камроқ пулга
келишилса, шариятда мувофиқ
иш тутган бўлади.

ҲИДОЯТ САРИ

БИБЛИ ҚЎЙИНГ!

ЛИМОННИ ИССИҚ ЧОЙГА ҚЎШИБ БЎЛМАЙДИ

Совуқ кунларда касалликдан тезроқ тузалиш
ёки иммунитетни мустаҳкамлаш учун лимонли
чай ичамиз. Аммо кўпчилигимиз уни нотўғри
тайёрлашимизни билармидингиз?



Унда эшитинг! Иссиқ
чайга лимон қўшилган-
да С витамини маълум
даражада йўқ бўлиши
мумкин. С витамини
иссиқликка сезгир бўлиб,
юқори ҳароратда (60
градусдан юқори) парча-
ланишга мойил. Ўз нав-
батида, чай жуда иссиқ
бўлса, лимондаги С ви-
тамини тезроқ йўқолади.
Шунинг учун лимонни
бироз совиган чайга
солиш фойдалироқ.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмасининг ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнер:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 185 нускада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1220

